

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил апрель ойининг 30 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи А.Эргашев, Н.Жумабоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона туман прокурори ёрдамчиси С.Хакимов, судланувчи Ж.Худоёров ва унинг ҳимоячиси-адвокат Д.Олимов, жабрланувчилар О.Кенжаев ва М.Мўсинжоновнинг иштирокида, Худоёров Жалолиддин Шавкат ўғлига нисбатан 1-1502-2501/182-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Худоёров Жалолиддин Шавкат ўғли (Xudoyorov Jaloliddin Shavkat o'g'li) - 1995 йил 14 январда Марғилон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам:

1. жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2016 йил 29 сентябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган;

2. жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2021 йил 27 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топиб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 8 ой 6 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3. жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2021 йил 7 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди ва 227-моддаси 1-қисми билан айбли деб топиб, ЖКнинг 57,59,62-моддалари ва 59-моддаси 8-қисмига асосан, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 4 ой 6 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

4. жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2021 йил 23 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари ва 227-моддаси 1-қисми билан айбли деб топиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ўталмай қолган жазо



муддати 2 йил 1 ой, ишламайди, Марғилон шаҳар, Янги ҳаёт М.Ф.Й., Ғазал кўчаси, 33-уй, 35-хонадонда яшаган, иш бўйича 2025 йил 18 мартдан қамоқда, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 3 апрелда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатмаларини тинглаб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини эшитиб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ж.Худоёров хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Кенжаев Отабек Гофуровични ишлаш учун Европа давлатларидан бирига бормоқчи бўлиб юрганлигидан хабар топиб, унга агарда хоҳласа, 4 ой муддатда ишлаш учун Европа давлатларидан бирига юборишини айтиб, алдаб, 2024 йил январь ойидан март ойига қадар бўлган вақт оралиғида жами 19.750.000 сўм миқдоридagi пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, жиноий йўл билан қўлга киритилган пул маблағларини шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаган, бундан ташқари Ж.Худоёров жиноий ҳаракатларини давом эттириб, тақроран Хожиакбар исмли таниши орқали Маъруфжон исмли йигитдан “Samsung Galaxy S 23 Ultra” русумли телефон аппаратини 905 АҚШ долларига сотиб олиб, Маъруфжоннинг пластик картасига жами 9.157.000 сўм ўтказиб, 2.030.000 сўмни бермасдан алдаган.

Судланувчи Ж.Худоёров судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам Германиядаги “Bauna Fortuna” номли логистика фирмасида юк машинаси ҳайдовчи вазифасида ишлаганини, ўша вақтда Европада ишловчи Ўзбекистонликларни телеграм тармоғидаги “Мусофирлар” номли гуруҳига аъзо бўлганини, тахминан 2023 йил охири ёки 2024 йил бошида Кенжаев Отабек эканлигини айтган шахс қўнғироқ қилиб, Европада қандай ишлар борлигини сўраганини, у ўзини иш ҳолатини тушунтирганини, О.Кенжаев ҳам у ишлайдиган фирмага ишга кирмоқчи бўлганини ва ундан ёрдам беришини сўраганини, унинг илтимосига асосан уни ўша вақтда ўзи ишлаб келаётган “Bauna Fortuna” номли логистика фирмасига юк машинаси ҳайдовчиси сифатида ишга кириши учун таклиф киритганини, О.Кенжаев унга ўзининг паспорт нусхаси ва ҳайдовчилик гувоҳномасини нусхасини телеграм орқали ташлаб берганини, у эса уларни олиб ўзи ишлаб келаётган фирмага тақдим қилганини, О.Кенжаевни ҳужжатларини расмийлаштириш учун кетган барча харажатларни ўзининг ёнидан яъни ойлик маошидан тўлаганини, О.Кенжаев эса ушбу пул маблағларини у айтган танишлари яъни



Ш.Яхёхонованинг номида бўлган банк карта рақамига, Хожиакбар исмли танишидан телефон сотиб олганлиги ва ундан қолган қарзи эвазига у берган банк карта рақамига ташлаб берганини, бундан ташқари таниши Абдулазиз исмли йигит орқали 500 АҚШ долларини олиб, Ўзбекистонга қайтган вақтда олганини, бу орада у ушбу фирмада ишлаш жараёнида ойлик маошларида узулиш бўлганлиги сабабли у ердан ишдан бўшаб кетганини, О.Кенжаевни ҳужжатлари нима бўлганини, яъни уни ушбу фирма ишга қабул қилган ёки-да қилмаганлигини билмаслигини, О.Кенжаевни ишга олиб киришга ваъда бермаганини, лекин унинг ҳужжатларини расмийлаштириб бериш учун ундан пул олганини, ушбу пулларни ойлик маоши ҳисобидан ушбу фирма ушлаб қолганлиги сабабли О.Кенжаевга пулларни ташлаб бериши учун ўзини танишларини банк карта рақамларини ташлаб берганини, О.Кенжаев пул маблағларини ушбу банк карта рақамларига ташлаб берганини, бундан ташқари Хожиакбар исмли таниши орқали Маъруфжон исмли йигитдан “Samsung Galaxy S 23 Ultra” русумли телефон аппаратини 905 АҚШ долларига сотиб олганини, Маъруфжоннинг пластик картасига бўлиб-бўлиб 9.157.000 сўм ташлаб берганини, 2.030.000 сўмни бермасдан алдаганини, ҳозирда жабрланувчиларга етказилган зарарлар оила аъзолари томонидан тўлиқ қопланганини, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, енгиллик биришни сўраб кўрсатма берди.

Судланувчининг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик ва чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган қуйидаги далиллар билан ўз исботини топади.

Жумладан, жабрланувчи О.Кенжаев судда, ҳақиқатдан ҳам бир-неча йиллардан буён Россия Федерациясига бориб ишлаб келишини, лекин у борадиган жойда иш ҳақи пастлаб кетганлиги сабабли Россия давлатига қайтиб бормаганини, шундан сўнг бошқа чет давлатларига бормоқчи бўлиб 2024 йил январь ойида яшаш хонадонидан ишсизликдан зерикиб иш топишни режалаштирганини, 2024 йил 5 январь куни телеграм ижтимоий тармоғини кузата туриб, телеграмда “Мусофир кундалиги” номли гуруҳга кирганини, ушбу гуруҳга кириб Худоёров Жалолиддин “Европа давлатларига кетадиган фуқароларга ёрдам бераман” деб ёзиб қўйганини кўриб, унинг телеграм akkaунтига кириб, унинг телефон рақамини ёзиб олиб, у билан телефон орқали боғланиб гаплашганини, у ўзини Марғилон шаҳридан эканлигини, ҳозирда Эстония давлатида эканлигини маълум қилиб, Европага бормоқчи бўлган фуқароларни ҳужжатларини ўзи 900 АҚШ долларига тайёрлаб, 4 ой ичида ишлаш учун жўнатишини тушунтирганини, уни ишониши учун ўзининг четга чиқиш (загран) ва ID картасини суратга олиб унга ташлаб берганини, шу вақтда унда Европага ишга бориш мақсади пайдо бўлганини, шундан сўнг Ж.Худаёров унга кўнғироқ қилиб, ундан Европага ишлаш учун бориш ёки-да бормаслигини сўраб, агарда бориш мақсади бўлса унинг ўзи



барча ҳужжатларига ёрдам беришини айтиб, ундан паспорт ва ҳайдовчилик гувоҳномасини суратга олиб, унинг телеграмига ташлаб беришини ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаб туришлигин учун унга 6.200.000 сўм ташлаб юборишини айтиб ўзининг турмуш ўртоғи эканлигини айтиб Шахзодахон Яхёновага тегишли бўлган 5614 6822 1429 1454 рақамли “Капитал банк” томонидан берилган пластик карта рақамини ташлаб берганини, ўзининг пластик картаси орқали ушбу пластик картага 6.200.000 сўм ташлаб берганини, эртаси куни Ж.Худоёров унга яна алоқага чиқиб “чип карта” учун яна 1.550.000 сўм пулларни юқорида кўрсатиб ўтилган пластик карта рақамига ташлаб беришини тайинлаганини ва у унинг сўрови бўйича Шахзодахон Яхёнованинг 5614 6822 1429 1454 рақамли “Капитал банк” томонидан берилган пластик карта рақамига 1.550.000 сўм пулларни ўтказиб берганини, орадан бир ой ўтиб 2024 йил февраль ойида Ж.Худоёров унга яна алоқага чиқиб, ҳужжатлари тайёр бўлиб қолганини, лекин яна тўлов қилиши лозимлигини айтиб Мўсинжонов Маъруфжон номидаги пластик карта рақамини ташлаб берганини ва у унинг сўрови бўйича ушбу банк карта рақамига 2.970.000 сўм пул маблағларини ташлаб берганини, Ж.Худоёров яна унга кўнғироқ қилиб, қизининг туғилган куни бўлаётганини айтиб, Холматова Саодатнинг номидаги банк картасига 1.000.000 сўм ташлаб беришини ва ушбу пулларни унинг ўзи уни номидан Европага ишга кетиши учун зарур бўладиган ҳужжатларни расмийлаштиришдаги чиқимларга сарфлаганлигини маълум қилганини, турмуш ўртоғи М.Кенжаеванинг номида бўлган банк картасидан 1.000.000 сўмни ушбу банк картасига ташлаб берганини, бундан ташқари Ж.Худоёров ишга жойлашиш ҳужжатлари учун тўлов қилиш зарурлигини ва унга яна 1.800.000 сўмни Шахзодахон Яхёновага тегишли пластик карта рақамига ташлаб беришини сўраганини, божаси Махкамов Бегзоднинг номига расмийлаштирилган банк картаси орқали Ж.Худоёров айтган пластик карта рақамига 1.800.000 сўм ташлаб берганини, бу орада Ж.Худоёров билан “WhatsApp” орқали гаплашганида иши ва ҳужжатлари тайёр бўлиб қолганини, узоғи билан 2024 йил апрель ойига қадар Эстония давлатига уни ишга чақиритилганини маълум қилганини, Ж.Худоёров унга 21.03.2024 йил куни телефон рақами орқали алоқага чиқиб Эстониядан яшаш хонадонига қайтаётганини, қайтиш учун авиачипта сотиб олишга пули йўқлигини, агарда унга 6.200.000 сўм бериб турса, ушбу пулларни уни Эстонияга ишга кетиши учун зарурий чиқимларга тўлаганини айтиб, пулларни олиш учун жияни келишини маълум қилганини, 2024 йил 22 март куни унга нотаниш бўлган рақамдан кўнғироқ қилиб уни Жалолоддин пулга юборганини маълум қилганини ва шу куни Хўжа Аҳмад Вале жомеъ масжиди олдида оқ рангли “Нексия-3” русумли 40* 013** давлат рақам белгили автомашинада келган йигит Ж.Худоёров уни пул олиш учун юборганини айтиб, ундан бериладиган пулларни сўраганини, ундан исмини ва уни ким юборганини сўраганини, у ўзини Абдулазиз деб таништириб, уни Жалолоддин пул олиб келиш учун юборганини маълум қилиб, “WhatsApp”



орқали Жалолиддин билан боғлаб берганини, ушбу йигитга 6.200.000 сўм миқдоридаги пулларни бериб юборганини, ўшандан сўнг Ж.Худоёров билан алоқа узулиб, қайтиб боғланишни имкони бўлмаганини, Жалолиддинга жами 19.750.000 сўм миқдоридаги пулларни Эстония давлатига ишга юбориши учун берганини, шундан сўнг бўлиб ўтган ҳолат юзасидан ИИБга ариза билан мурожаат қилганини, суд жараёнида Ж.Худоёровнинг оила аъзолари томонидан унга етказилган зарар тўлиқ қопланганини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатма берди.

Жабрланувчи М.Мўсинжонов судда, ҳақиқатдан ҳам телефон дўконида сотувчи бўлиб ишлашини, у билан бирга Хожиакбар исмли жияни ҳам ишлашини, 2023 йил 12 декабрь куни Хожиакбар унга Жалолиддин исмли танишига “Samsung Galaxy S 23 Ultra” русумли телефон аппарати зарурлигини, ўзи эса Эстониядалигини, ушбу телефон аппаратини онасига совға қилмоқчилигини айтганини, ушбу телефон аппаратини нархини 905 АҚШ доллари (11.176.750 сўм)га баҳолаганини, жияни Хожиакбар Жалолиддинга телефон орқали етказганини, Хожиакбарнинг айтиши бўйича Жалолиддин ушбу пул маблағларини унга палстик карта орқали ташлаб беришини айтиб ундан карта рақами сўраганини, у ўзининг номидаги банк картасини ташлаб берганини, шу кунни ўзида Жалолиддин 6.187.000 сўм пул маблағларини ташлаб бериб, қолган пул маблағларини эса бир-неча кунда ташлаб беришини айтганини, бу орада Жалолиддин уларни турли хил баҳоналар билан алдаганини, орадан анча вақт ўтиб Хожиакбар Жалолиддин билан телеграм орқали боғланиб у билан гаплашганида Жалолиддин унинг банк картасига 2.970.000 сўм пул маблағларини ташлаб берганини, лекин 2.030.000 сўм қарзини бермасдан, тури баҳоналар билан алдаганини, сўнг ҳолат юзасидан ИИБга ариза билан мурожаат қилганини, суд жараёнида Ж.Худоёровни оила аъзолари томонидан унга етказилган зарар тўлиқ қопланганини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатма берди.

Бундан ташқари, Ж.Худоёровнинг айби ариза (и.в. 5), тушунтириш хатлари (и.в. 6, 9-11), банк маълумотномалари (и.в. 23-31), тилхат (и.в. 32), нарсани олиш ва кўздан кечириш ҳақида баённома (и.в. 33-34), ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақида қарор (и.в. 35) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ж.Худоёровнинг хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, такроран ўзганинг мулкани фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритганликда ифодаланган жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 1-бандида "Судларнинг эътибори жиноят учун



жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим"лиги, Қарорнинг 3-бандида "Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак"лиги хақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Ж.Худоёровга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларидаги инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли ва 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 7-сонли қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, судланувчи Ж.Худоёровнинг айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлигини, етказилган зарарлар тўлиқ қопланганини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб топиб, содир этилган қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисми талабларига амал қилган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан модда санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 60,62-моддаларига асосан узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилишни;

Шунингдек суд, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига илова қилинган М.Яхёновага тегишли бўлган банк картасига ўтказилган пул маблағлари чеки, М.Мўсинжоновага тегишли бўлган банк картасига ўтказилган пул маблағлари чеки, С.Холматовага тегишли бўлган банк картасига ўтказилган пул маблағлари чеки ва банк карталарининг пул ўтказмалари тарихи ҳамда Ж.Худоёров томонидан ёзилган тилхат нусхасини жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465, 468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Судланувчи Худоёров Жалолиддин Шавкат ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Худоёров Жалолиддин Шавкат ўғлига:



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига асосан тайинланган жазога илгариги ҳукм юзасидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган муддатини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ж.Худоёровнинг 2025 йил 18 мартдан 2025 йил 30 апрелга қадар қамоқда сақланган 43 кунни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан қамоқнинг бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилиб, ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 7 ой 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойда ўтатирилсин ва жазони ўташ муддати ушбу органлар томонидан жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш Марғилон шаҳар ички ишлар бўлими Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Ж.Худоёровга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Судланувчи Ж.Худоёров томонидан жабрланувчилар О.Кенжаев ва М.Мўсинжоновга жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига илова қилинган М.Яхёновага тегишли бўлган банк картасига ўтказилган пул маблағлари чеки, М.Мўсинжоновга тегишли бўлган банк картасига ўтказилган пул маблағлари чеки, С.Холматовага тегишли бўлган банк картасига ўтказилган пул маблағлари чеки ва банк карталарининг пул ўтказмалари тарихи ҳамда Ж.Худоёров томонидан ёзилган тилхат нусхаси жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ушбу ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали Фарғона вилоят судига ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Эргашев

нусхаси аслига тўғри,

